



ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ
АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИГА ТАЪСИРИ

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a47

Дусматов Бегмуҳаммад Олимжонович –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Реал
иқтисодиёт кафедраси доценти в.б., PhD.

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда, агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун илмий асосланган прогнозларни ишлаб чиқиши зарурлиги мисоллар ёрдамида асосланган. Қишлоқ хўжалигига инновацияларни ривожлантириш ва бозор муносабатларини чукурлаштириш талаби қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа соҳаларида илгор илмий ишланималардан фойдаланиш ҳукуқи учун рақобатнинг юзага чиқиши ва корхоналарнинг ривожланишига объектив ҳисса кўшиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: инновацион салоҳият, агросаноат комплекси, тармоқлар, бозор муносабатлари, қишлоқ хўжалиги, асосий капитал, рақобатбардош, ҳалқаро меҳнат тақсимоти, миқдор, сифат, баҳолаш, индикатор, самародорлик.

ИННОВАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФЕРА ТЕХНОЛОГИЙ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА
ПЕРСПЕКТИВЫ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

Дусматов Бегмуҳаммад Олимжонович –
Самаркандинский институт экономики и сервиса,
кафедра «Реальная экономика» PhD., доцент и.о.

Аннотация. В данной статье особое внимание уделено вопросам эффективного использования инновационного потенциала нашей страны. При этом необходимость разработки научно обоснованных прогнозов развития агропромышленного комплекса основывается на примерах. Требование развития инноваций в сельском хозяйстве и углубление рыночных отношений – это предложения и рекомендации, объективно способствующие возникновению конкуренции за право использования передовых научных разработок в сельском хозяйстве и других отраслях агропромышленного комплекса и развитию предприятия.

Ключевые слова: инновационный потенциал, агропромышленный комплекс, отрасли, рыночные отношения, сельское хозяйство, основной капитал, конкурентоспособность, международное разделение труда, количество, качество, оценка, показатель, эффективность.

INNOVATIVE ASPECTS OF TECHNOLOGY TRANSFER AND ITS IMPACT ON THE
PROSPECTS OF AGRO-INDUSTRIAL PRODUCTION

Dusmatov Begmuhammad Olimjonovich –
PhD, Acting Associate Professor of the
Department of Real Economy of Samarkand
Institute of Economics and Service

Annotation. In this article, special attention is paid to the issues of effective use of the innovative potential of our country. At the same time, the need to develop scientifically based forecasts for the development of the agro-industrial complex is based on examples. The demand for the development of innovations in agriculture and the deepening of market relations are proposals and recommendations that objectively contribute to the emergence of competition for the right to use advanced scientific developments in agriculture and other sectors of the agro-industrial complex and the development of an enterprise.

Key words: innovation potential, agro-industrial complex, industries, market relations, agriculture, fixed capital, competitiveness, international division of labor, quantity, quality, assessment, indicator, efficiency.

Кириш. Ҳозирги жаҳон иқтисодий тизими чекланган ресурслар шароитида ҳосилдорликни мунтазам равишда ошириш зарурати билан ажралиб туради. Шунинг учун ушбу тизимда унинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги муносабатлар ресурслардан фойдаланиш самародорлигини ошириш учун мунтазам равишда қайта ташкил этилади. Бунга ҳар хил тармоқлар ва мамлакат иқтисодиётининг турли тузилмавий босқичларида доимий инновациялар орқали эришилади.

Бундай шароитларда инновацион ривожланишсиз, асосий капитални тубдан янги, рақобатбардош асосда янгилашсиз мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш мумкин эмас. Шу сабабли ишлаб чиқариш аппаратларини янгилаш масаласи иқтисодий сиёsat марказлашган тарзда ва асосан, бюджет маблағлари ва вазирикларнинг маблағлари ва давлат маблағларидан фойдаланувчи сифатида фаолият юритаётган корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган эски ёндашувлар ёрдамида ҳал этилмайди. Эндиликда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий

ишлиб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ни ошириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга кўмак берувчи тадбиркорлик ва инновация жараёнлари каби янги соҳаларни шакллантириш ва ривожлантириш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Технологиялар трансферининг инновацион жиҳатлари ва унинг агросаноат ишлиб чиқариши истиқболларига таъсири бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш ҳақида иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўз тадқиқотлари ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозалар келтириб ўтилган.

Рақобат бозор муҳитидаги ўзгаришлар асосий омиллар жумласига киради. А.Г.Шаробиддиновнинг фикрига кўра, "...бозор иқтисодиётида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолият туридан қатъи назар рақобат курашида ғолиб чиқишига интилади" [1].

М.Портер мамлакат рақобатбардошлиги ни алоҳида фирмаларнинг эмас, балки турли тармоқларга оид фирмалар бирлашмаси – кластерларнинг халқаро рақобатбардошлиги орқали кўриш мақсадга мувофиқ, хусусан, мана шу кластерларнинг ички ресурслардан самарали тарзда фойдалана олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди [2].

В.Фельдман томонидан ишлиб чиқилган назариянинг афзал томони шундаки, у турли мамлакатлардаги диверсификацияланган шаклдаги корхоналарни кенг кўламда эмпирик тадқиқ қилишга асосланади [3].

М.А.Рахматов, Б.Зарипов фикрича, инновацион хизматларнинг инфратузилмасини ривожлантириш – илмий тадқиқот сектори, таълим соҳаси, бизнес ва маҳаллий ҳокимият органлари манбаатларини (шу жумладан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизмидан фойдаланиш орқали) мувофиқлаштиришини таъминловчи самарали стратегик режалаштириш тизимини яратишдир[4].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви билан, биринчи навбатда, унинг барқарор иқтисодий ўсиши учун инновациялар талаб қилинади [5].

Тадқиқот методикаси. Технологиялар трансферининг инновацион жиҳатлари ва унинг агросаноат ишлиб чиқариши истиқболларига таъсири бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг инновацион салоҳия-

тидан самарали фойдаланишга асосланган агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун илмий асосланган прогнозларни ишилаб чиқиш зарурати аниқланди.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти тизимиға кириши бир қатор мураккаб иқтисодий муаммоларнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлиши билан бирга давом этмоқда, уларнинг ҳал этилмаслиги миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш учун жиддий тўсиқقا айланади. Замонавий шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги янги технологиялар, товарлар ва хизматларни жорий этиш орқали яхшиланиши мумкин.

Минтақанинг қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш рақобатбардошлик даражасини таҳлил қилишнинг мақсади қўйидагиларни аниқлашни назарда тутади:

- минтақаларнинг қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлай олиш қобилияти, минтақа ҳукумат органларининг энг асосий масалани, яъни аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи;

- алоҳида қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш тармоқларида мавжуд рақобатли устунликларни ривожлантириш ва янгиларини яратиш учун зарур минтақавий омиллар билан таъминланганлик даражаси;

- минтақада янги юқори самарали рақобатбардош тармоқ ва агросаноат мажмусининг ишилаб чиқариш қувватлари мавжудлиги ва уларни ташкил этиш имкониятлари.

Мазкур масаланинг миқёси ва мураккаблиги макондаги тизимли, таркибий, таққослама, омилли таҳлил, индекс усули, корреляция-регрессион таҳлил, SWOT-таҳлил ва ҳоказоларни ўз ичига олган дастаклардан фойдаланишни талаб этади [7]. Минтақаларнинг қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларини таҳлил қилиш қўйидаги йўналишлар бўйича минтақанинг рақобатли устунликларини белгиловчи тармоқларнинг ўзига хос фаолият кўрсатиш шароитларини баҳолашни назарда тутади.

Худудларни қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш рақобатбардошлиги бўйича таққослама баҳолаш учун 1-расмда унинг энг муҳим тавсифлари келтирилган бўлиб, улар бўйича минтақада шаклланган қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш рақобатбардошлиги тузилмасини стратегик таҳлил қилиш ва баҳолаш амалга оширилади [8]. Минтақа қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариш самарадорлигини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш учун қўйидаги индикаторлар тизими шаклланган (1-жадвал).

Минтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ўсиши самарадорлигини баҳолаш учун индикаторлар тизими

№	Мутлақ кўрсаткичлар
1.	Қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати, млрд. сўм.
2.	Худуд қишлоқ хўжалигининг экспорти, млн. АҚШ долл.
3.	Худуд қишлоқ хўжалигининг импорти, млн. АҚШ долл.
4.	Худуд қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони, минг киши
5.	Худуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг таркиби, млрд. сўм
6.	Худуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари, минг га
7.	Худуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги, ц га
8.	Дон экинлари ялпи ҳосили, минг т
9.	Пахта ялпи ҳосили, минг т
10.	Полиз, мева, узум маҳсулотлари экспорти, млн. АҚШ долл.
11.	Қишлоқ хўжалигига жалб килинган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм
12.	Чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажми, млрд. сўм
13.	Фермер хўжаликлари сони, минг дона
14.	Фермер хўжаликлари ишлаб чиқараётган маҳсулоти, млрд. сўм
15.	Фермер хўжаликлидаги суғориладиган ерлар, минг га
16.	Деҳқон хўжаликлари сони, минг дона
17.	Деҳқон хўжаликлари маҳсулоти, млрд. сўм
18.	Деҳқон хўжаликлида ҳосилдорлик, ц/га
19.	Чорва моллари сони, минг дона
20.	Чорвачилик маҳсулотлари, млрд. сўм
21.	Меҳнат унумдорлиги, сўм/минг кишига
22.	Илмий тадқиқотларга бўлган харажатлар, млрд. сўм
Нисбий кўрсаткичлар	
1.	Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуси, %
2.	Худуд қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонининг иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан улуси, %
3.	Қишлоқ хўжалигининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги улуси, %
4.	Аҳоли жон бошига экспортнинг ҳажми, долл.
5.	Қишлоқ хўжалиги экспортининг ўсиш динамикаси, %
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш динамикаси, %
7.	Инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улуси, %
8.	Фермер хўжаликларининг улуси, %
9.	Фермер хўжаликларининг дон етиширишдаги улуси, %
10.	Фермер хўжаликларининг пахта етиширишдаги улуси, %
11.	Худуднинг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, %
12.	Фермер хўжаликлидаги суғориладиган ерлар улуси, %
13.	Деҳқон хўжаликларининг улуси, %
14.	Чорва сонининг улуси, %
15.	Чорвачилик маҳсулотларининг улуси, %
16.	Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми, минг сўм
17.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рентабеллиги, %
18.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари рентабеллиги, %
Интеграл кўрсаткичлар	
1.	Ихтисослаштириш коэффициенти, %
2.	Маҳаллийлаштириш коэффициенти, %
3.	Асосий кўрсаткичларнинг аҳоли жон бошига нисбатан дифференциацияси, тоифа
4.	Маҳсулотлар бўйича рақобатбардошлик коэффициенти, %
5.	Туманларнинг рақобатбардошлиги бўйича рейтинг баҳоси, тоифа
6.	Кластерлаш коэффициенти, %

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Асосий индикаторлар миңтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўсишининг таянч параметрларини тавсифлайди ва қуйидаги функцияларни бажаради:


- миңтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўсишини ривожлантириш мақсади ва вазифаларни аниқлаштиради;
- миңтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибининг самарадорлигини баҳолайди;
- миңтақанинг худудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибининг самарадорлигини баҳолайди;

– миңтақа ҳудудида инвестициялардан самарали фойдаланишини белгилайди;

– зарурат туғилганда, миңтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишининг стратегия йўналишларини түғрилади;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнларида ахборот оқимларининг тезкорлиги ва натижавийлигини таъминлайди;

– миңтақанинг турли ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини тақдослама баҳолашни олиб боришга имкон беради ва ҳ.к.



1-расм. Миңтақада шаклланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмасини стратегик таҳдил қилиш ва баҳолаш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аграр иктисолидиётида инновацион иқлимини яхшилашга қуйидагилар сабаб бўлади: [9]

- агросаноат мажмуаси учун самарали бошқарув тизимини яратиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш;
- давлат буюртмаси асосида агросаноат комплекси корхоналари томонидан инновацион ишларни молиялаштиришни таъминлаш.

В. Фельдман томонидан ишлаб чиқилган назариянинг афзал томони шундаки, у турли мамлакатлардаги диверсификацияланган шаклдаги корхоналарни кенг кўламда эмпирик тадқиқ қилишга асосланади [10].

Хуласа ва таклифлар. Фикримизча:

– ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, истиқболли технологик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш, шунинг-

дек, молиявий ресурслардан нотўғри фойдаланиши бартараф этишга кўмаклашиш зарур;

– инновацион ишланмаларга йўналтирилган ташкилотлар ва корхоналар фойдасининг бир қисмини солиқдан озод қилиш лозим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви билан, биринчи навбатда, унинг барқарор иқтисодий ўсиши учун инновациялар талаб қилинади. Янги технологияларга инвестициялар рақобатбардош, талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Аграр иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор иқтисодий ўсишга ўтиш илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишини рағбатлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, агросаноат комплексининг барча фан ва техника соҳалари илмий-техник фаолиятини жадаллаштириш имконини бермасдан мумкин эмас. Жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиш учун агросаноат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш ва бозор муносабатларига мос инновацион тизимни шакллантириш зарур.

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, илмий-техникавий тараққиёт мамлакат иқтисодиётининг макроиқтисодий ва микродаражада ривожланишида самарали ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ягона реал асосидир.

Шундай қилиб, минтақа агросаноат иқтисодиётидаги инновацион хизматларини ривожлантиришда аграр иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўли билан таъминлай олмайдиган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг рақобатбардошлари сифатида мавжуд бўла олмайди. Ўзбекистон кўплаб мамлакатлардан мавжуд илмий-техник салоҳияти, замонавий шароитда энг муҳим стратегик ресурсни ифодалайдиган юқори даражада ривожланган аграр илм-фанинг тарихий анъаналари билан ажralиб туради. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалигида инновацияларни ривожлантириш ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш талаби қишлоқ ҳўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа соҳаларида илғор илмий ишланмалардан фойдаланиш ҳуқуқи учун рақобатнинг юзага чиқиши ва корхоналарнинг ривожланишига объектив ҳисса қўшади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шаробиддинов А.Г. Развитие конкуренции в промышленном комплексе Республики Узбекистан в условиях рыночной экономики. Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: ИЭАН РУз.2010, 8 с.
2. Портер М. Международная конкуренция. / Пер. с англ. / Под ред. и с предисловием В.Д.Щетинина. – М.: Междунар. отношения, 2005. – 859 с.
3. Feldman V.P., Audretsch D.B. Innovation in Cities: Science based Diversity, Specialization and Localized Competition-European Economic Review. 1999. № 43. P. 409-429.
4. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер-интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: Zamin Nashr, 2018. – 166 б.
5. Отажонов Ш.И. Повышение эффективности организационно-экономических механизмов управления инфраструктуры инновационной деятельности. – Т.: Архитектурно-строительный институт. Автореферат доктора (DSc) экономических наук. 2018. С. 77.
6. Портер М. Международная конкуренция. / Пер. с англ. / Под ред. и с предисловием В.Д.Щетинина. – М.: Междунар. отношения, 2005. – 859 с.
7. Джусраева Р. Приоритетные направления социально-экономического развития Республики Каракалпакстан на основе использования конкурентных преимуществ. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: материалы V Форума экономистов. – Т., 2013. С. 380.
8. Dusmatov Begmuhammad. (2021). KEY INDICATORS FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF INNOVATIVE PROJECTS IN THE AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX. Philosophical Readings., XIII.(4 (2021)), pp. 3101-3106. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5791591>
9. Dusmatov Begmuhammad. (2021). INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX AND ITS INTERDEPENDENCE WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT. Philosophical Readings., XIII.(4 (2021)), pp. 3095-310. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5791587>
10. Feldman V.P., Audretsch D.B. Innovation in Cities: Science based Diversity, Specialization and Localized Competition-European Economic Review. 1999. № 43. P. 409-429.